

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1302-ҳадис

1302 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَجَّ عَلَى رَحْلٍ، وَكَانَتْ زَامَةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [1517]

1302. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уловда ҳаж қилдилар. Юклари ҳам ўша улов устида эди».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Бу ҳадисдан Пайғамбар алайҳиссалом бошқаларни ёрдамга чорламаган ҳолда бир ўзлари ҳаж амалларини бажаргандарни ва у зотни камтар эканларини билиб оламиз.

Имом Бухорийдан ривоят қилинган бошқа ҳадисда куйидагича келтирилган:

Сумома ибн Абдуллоҳ ибн Анасадан ривоят қилинади:

«Анас розияллоҳу анҳу уловда ҳаж қилди. У хасис эмас эди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уловда ҳаж қилганларини ва (олов) у зотнинг юкларини ташиганини сўзлаб берди».

«Хасис эмас эди», дейилишига сабаб шуки, Анас розияллоҳу анҳу имконлари бўла туриб, улов устида тахтиравонда эмас, оддий эгарда йўлга отланган эканлар. Бироқ бу зиқналийдан эмас, балки у кишининг камтарликларига далолат эди.



NUBUVVAT MARVARIDLARI